

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АДХАМ ИБАДУЛЛАЕВИЧ

**ОҒИР КУЙИШ ЖАРОҲАТЛАРИДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ
АСОРАТЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Адхам Ибадуллаевич

Оғир куйиш жароҳатларида гастродуоденал асоратларни даволаш ва профилактикасини оптималлаштириш 3

Ахмедов Адхам Ибадуллаевич

Оптимизация лечения и профилактики гастродуоденальных осложнений у тяжелообожженных..... 21

Akhmedov Adkham Ibadullaevich

Optimize the treatment and prevention of gastroduodenal complications in severe burn injuries..... 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АДХАМ ИБАДУЛЛАЕВИЧ

**ОҒИР КУЙИШ ЖАРОҲАТЛАРИДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ
АСОРАТЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib1598 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек ва рус), ҳамда инглиз тилида резюмеси илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Фаязов Абдулазиз Джалилович
тиббиёт фанлари доктори

Дехқонов Тошпўлат Дехқонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Акбаров Миршавкат Миралимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “__” _____соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1 уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1 уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____да тарқатилди (2022 йил «__» _____даги __рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 180 минг ҳолатларда куйиш касаллиги аҳолининг ўлимига сабаб бўлмоқда. «... Куйиш касаллигининг оғир асоратлардан бири гастродуоденал асоратлардир»¹. Бу умумий асоратлар орасида 75-90% ни ташкил қилади. Куйишдаги оғир гастродуоденал асоратлар ичида гастродуоденал қон кетишлар ҳозирги кунда 20-25% гача учрайди. «... Стрессли яралардан қон кетишнинг ривожланиши ўлим кўрсаткичи реанимация бўлимларида 55-70% га, куйиш бўлимларида 2,7-7% га, умумий даволанган беморлар орасида 4,4-10% гача етмоқда»². Бу кўпинча экзоген ва эндоген омиллар таъсирида куйишдаги гастродуоденал асоратлар клиникасининг яширин кечиши натижасида ўз вақтида диагностика қилинмаганлиги сабабли юз бермоқда. Айниқса, бу куйиш жароҳатида гастродуоденал асоратларнинг хавfli омилларини ўз вақтида профилактика қилинмаганлиги ва жадал терапиянинг етарлича олиб борилмаслиги билан боғлиқ, айти вақтда уни коррекция қилишда ҳам бир қанча хатоликларнинг мавжудлигидир.

Бугунги кунда жаҳонда куйиш стрессиди гастродуоденал соҳа аъзоларини маҳаллий бошқарувчи аппаратларидан стресс моноаминлари тутувчи тузилмаларнинг, яъни қон томирларининг адренергик (симпатик) иннервацияси ва очиқ типдаги эндокрин ҳужайраларининг морфологияси ўрганилмоқда. Ҳар қандай стресс симпатоадренал тизимнинг фаоллашиши ва натижада адреналин ишлаб чиқишининг ошиши билан узвий боғлиқ. Бу эса стресс ҳолатида ички аъзолар нерв трофикаси ва ангиогенезининг бузилишларига олиб келиши ва стресс жароҳатлари пайдо бўлишига, кўпинча гастродуоденал қон кетишларга сабаб бўлади. Куйиш жароҳатларида кузатиладиган ва гастродуоденал асоратларни келтириб чиқарадиган хавfli омиллар, уларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика қилиш тўғрисидаги муаммолар, айниқса қон томирлар эндотелиал дисфункцияси, профилактик анитисекретор терапия ўтказиш тартибининг гастродуоденал асоратларга таъсири ва натижалари тиббиётнинг охиригача ҳал қилинмаган масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида натижаларни яхшилаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан куйиш касаллиги ва унинг асоратларини даволашда ижобий натижаларга эришилган. 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги етти устувор йўналишлари бўйича «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини

¹Алексеев А.А., Бобровников А.Э., Богданов В.В. Оценка эффективности инновационных технологий лечения пострадавших от ожогов // Медицинский алфавит. - 2020. - №13. - С.44-47.

²Avendano-Reyes, J.M. Prophylaxis for stress ulcer bleeding in the intensive care unit // Rev. Gastroenterol Mex. - 2014. - Vol.79. - N1. - P.50-55

ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, куйиш касаллиги ва унинг асоратларини даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Шошилич тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4985-сон, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5590-сон фармонлари, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Куйиш жароҳатларидаги гастродуоденал асоратларнинг кузатилиши беморларнинг аҳолини оғирлаштириб, жиддий оқибатларга олиб келиши билан хавфли ҳисобланади. Бу борада, яъни куйишдаги ўткир стрессли гастродуоденал асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг профилактикаси, стрессли асоратларнинг клиник кечиши ва диагностикаси, антисекретор терапиянинг афзалликлари, куйишдаги жадаллашган хирургик даволашнинг стрессли яралар профилактикасига таъсири, стрессли гастродуоденал асоратларда ошқозон - ичак трактидаги нерв, эндокирин ва қон-томирларнинг морфологияси борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Эргашев О.Н. ва ҳаммуал., 2017).

Узоқ вақт оғир куйган беморларнинг критик ҳолатда интенсив терапия олиб борилиши фонида ошқозон-ичак трактида эрозив ярали асоратлар келиб чиқиши ва натижада кўпинча гастродуоденал қон кетишларга сабаб бўлиши адабиётларда келтирилган. Ҳозирги кунда оғир куйганларда гастродуоденал асоратлар патогенезида агрессия омиллари ва ошқозон шиллиқ қаватининг ҳимоя омиллари ўртасидаги номутаносиблик муҳим рол ўйнаши шубҳа туғдирмайди. Аммо иккала механизмнинг қайси бири устунлик қилиши - агрессия омиллари кучайиши ёки ҳимоя омилларининг пасайиши ҳозиргача фаол мунозараларга сабаб бўлмоқда (Cook D., Guyatt G., 2018).

Ўткир гастродуоденал асоратлар одатда кўп бўлади, ошқозон тубидан бошланади ва антрал қисмига қараб ривожланиб ўн икки бармоқ ичакка қараб давом этади. Стессли яралар этиологик факторидан қабтий назар 20-60% ҳолатларда қон кетишларга сабаб бўлади. Шундай экан, куйиш

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

касалигида стрессли ўткир гастродуоденал яралли асоратлар ривожланиши мумкинлиги аниқ далиллар билан исботланган бўлсада, аммо унинг келиб чиқишидаги патогенетик механизмлар борасида қарашларнинг ҳар хиллиги ҳозирги кунгача ўрганилмоқда. Шу жумладан, куйиш касллигидаги стресс яралар оғриқ билан изоҳланса, айримларида интоксикациянинг ривожланиши ва беморлардаги нерв психик ҳолат билан боғлайди (Карабаев Х.К. ва ҳаммуал., 2017).

Шунингдек, куйиш жароҳатларида кузатиладиган гастродуоденал асоратларнинг келиб чиқишида стрессли оғриқларнинг механизмлари тўғрисидаги муаммолар, айниқса, стресс моноамин тутувчи тузилмаларнинг морфологик хусусиятлари ва уларнинг гастродуоденал асоратларга таъсири тиббиётда жуда кам ўрганилган ва охиригача ҳал қилинмаган масалаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, куйиш стрессда гастродуоденал соҳа аъзоларини маҳаллий бошқарувчи аппаратлари ҳисобланган интрамурал нерв, диффуз эндокрин аппаратлари ва қон томирларининг адренергик (симпатик) иннервациясининг морфологияси борасида деярли илмий фикрларнинг йўқлиги куйиш жароҳатидаги гастродуоденал асоратларни патогенетик механизмларини чуқур ўрганишга ундайди (Дзевульская И.В., Гунас И.В. ва ҳаммуал., 2018).

Замонавий адабиётлар шуни кўрсатадики, оғир куйишлардаги критик ҳолатларда кузатиладиган гастродуоденал асоратларга олиб келувчи хавфли омиллари борасида маълумотлар кам. Куйишни даволаш бўйича куйиш минимал майдони ва чуқурлиги гастродуоденал шиллиқ пардада эрозив яралли асоратларни келтириб чиқариш хавфи борлиги ва шунга мос равишда уларнинг олдини олиш мумкинлиги тўғрисида ягона фикрлар мавжуд эмас. Шунингдек, оғир куйишдаги гастродуоденал асоратларни даволаш ва профилактика қилишда, эндоскопик мезонларга асосланган тавсиялар ва алгоритмлар ишлаб чиқилмаган (Алексеев А.А. ва ҳаммуал., 2020).

Ўтказилган адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, оғир куйишдаги гастродуоденал асоратлар ривожланишида қон томирлар эндотелиал дисфункция ва стресс жараёнининг морфологияси, яъни стресс моноаминлари тутувчи тузилмаларнинг морфологияси кам ўрганилган. Буларнинг барчаси оғир куйган беморларда гастродуоденал асоратлар хавф омилларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва шу асосда алгоритм яратишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 5436–012000262 рақамли «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди (2019–2023 йй.).

Тадқиқот мақсади. Оғир куйиш жароҳатларида гастродуоденал асоратлар хавф омилларини аниқлаш, даволаш ва профилактикасини

оптималлаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

оғир куйишнинг ўткир даврида гастродуоденал соҳада келиб чиқадиган асоратлар нисбий салмоғи, анъанавий даволаш натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

оғир куйишда гастродуоденал асоратлар хавф омиллари истиқболлини белгилаш ва ташҳислашда ангиоген омиллар - қондаги эндотелий ўсиш омили, *Helicobacter pylori CagA* га антитана титри фаоллигини аниқлаш;

тажриба ҳайвонларида оғир куйишнинг ўткир даврини моделлаштириб, улар орқа мияси th₅₋₆ ва th₉₋₁₀ нерв тугунларида, гастродуоденал соҳа стресс моноаминлари тутувчи тузилмаларида юз берадиган ўзгаришларни тажриба-морфологик усулда аниқлаш;

оғир куйишда гастродуоденал асоратлар истиқболлини аниқлаш, даволаш ва профилактик даволашда даво стандартига қўшимча муқобил препаратларни қўшиб, эндоскопик мезонларга асосланган алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси комбустиология бўлими ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2017–2020 йиллар давомида даволанишда бўлган 114 нафар бемор ва 18 та зотсиз қуёнлар олинган.

Тадқиқот предмети даволаш усулларида натижалари, клиник-биокимёвий таҳлил ҳисобланади, ҳайвонларда термик куйиш жарохатининг тажриба-морфологик тадқиқот натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Илмий иш бажариш учун умумий клиник, инструментал (эзофагогастродуоденоскопия, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи рентгеноскопияси, ултратовуш текшириш, электрокардиография), тажрибавий, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анамнезда сурункали гастродуоденал патологиянинг борлигини, мотор-эвакуатор фаолиятини бузилишини, беморларнинг ёши ва шифохонага мурожаат қилган вақтини, куйиш майдони ва чуқурлигини, турғун гиповолемияни ҳисобга олган ҳолда оғир куйишларда стрессли гастродуоденал асоратларнинг ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш ва уларни олдини олиш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор оғир куйишдаги стрессли гастродуоденал асоратларнинг келиб чиқишида *Helicobacter pylori* инфекциясининг фаоллиги ва унинг қон томирлар эндотелиал дисфункцияси билан боғлиқлиги исботланган;

экспериментал термик куйиш жарохатида гастродуоденал соҳада қон томирларининг адренергик нерв толаларида ва диффуз эндокрин аппаратининг очиқ типдаги эндокрин ҳужайраларида, шунингдек, орқа миянинг th₅₋₆ ва th₉₋₁₀ регионал нерв тугунларида стресс моноаминларини тўхтатувчи тузилмаларда морфологик ўзгаришлар илк бор аниқланган;

эндоскопик мезонларга асосланиб, оғир куйишларни даволаш схемасига L-аргинин ва дофамин D₂ рецепторлари блокаторини (домперидон) киритиш

орқали гастродуоденал қон кетишининг олдини олиш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қуйиш майдони ва чуқурлиги гастродуоденал асоратлар ривожланиш даражасига тўғри пропорционал эканлиги кўрсатилган - қуйиш майдони қанчалик катта ва чуқур бўлса, гастродуоденал асоратлар ривожланиш тезлиги ва даражаси шунчалик юқори бўлганлиги аниқланган;

амалиётга Vascular endothelial growth factor ни киритиш оғир қуйишларда гастродуоденал асоратларни тахмин қилиш, даволаш ва профилактикасини таъминлашда диагностик аҳамиятга эгаллиги исботланган;

эндоскопик мезонларга асосланиб, гастродуоденал асоратларни 3 гуруҳга бирлаштириш ва амалиётга жорий қилиш, яъни 1.Ўткир гастродуоденал яллиғланишлар (рефлюкс эзофагит, катарал ва геморрагик гастродуоденит); 2.Ўткир эрозив ярали жароҳатлар (диффуз юзаки эрозия, чуқур жойлашган яра ва эрозия+яра биргаликда учраши); 3.Мотор-эвакуатор функциянинг бузилиши(дуодено-гастрал рефлюкс, гастростаз, гастро-эзофагеал рефлюкс) таклифи киритилган;

оғир қуйишдаги гастродуоденал асоратларни даволаш стандартига қўшимча L-аргинин ва дофамин D₂-рецептор блокаторини (домперидон) қўшиш орқали ўткир гастродуоденал яллиғланишли асоратларни 5,9%, эрозив ярали жароҳатларни 11,8% ва мотор-эвакуатор функция бузилишини 33,9%, рецидив қон кетишларни 11,2% ва ўлим кўрсаткичини 24,9% гача қисқаришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий амалиётда кенг қўлланивчи клиник-инструментал, тажрибавий ва статистик усуллар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ташхислаш ва даволашнинг янги рақобатдош усуллари шакллантириш мақсадида келажақда қуйиш касаллигида турли хилдаги гастродуоденал асоратлар кечишининг ўзига хосликлари ўрганганлиги, қуйишдаги стрессли гастродуоденал асоратлар хавф омилларини аниқлаш, гастродуоденал асоратлар профилактикаси учун муҳим ҳисобланиб, беморларни даволаш режаси такомиллаштирилгани, қуйишдаги стрессли гастродуоденал асоратлар профилактикаси учун адекват антисекретор терапия ўтказиш эрозия ва яралар пайдо бўлишининг олди олинганлиги, умумий қуйиш жараёнининг даволаш самарадорлигига ижобий таъсири аниқланлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйишнинг ўткир даврида гастродуоденал соҳада қон томири адренергик иннервациясидаги ва очиқ типдаги эндокрин хужайраларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва динамик кузатув ўтказиш натижалари ярали эрозив ўзгаришларни

патогенетик даволашда ва даволаш стандартларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши, оғир куйиш тан жарохати олган беморларга антисекретор терапия ва эндотелиал дисфункцияни яхшиловчи дори воситалари ва дофамин D₂-рецептор блокаторини (домперидон) назогастрал зонд орқали ёки per os қўллаш амалиётини жорий қилиш стрессли гастродуоденал асоратларини камайтиргани, оғир куйишларда патогенетик даволаш тизимининг такомиллаштирилган даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оғир куйишларда гастродуоденал асоратларни даволаш, профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

оғир куйган беморларда гастродуоденал асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашга имкон берувчи «Оғир куйиш жарохатларидаги гастродуоденал асоратларни даволаш ва профилактика қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 8н-р/1327-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома оғир куйишларда гастродуоденал асоратларни эрта ва профилактик даволаш имконини яратган;

ошқозон-ичак трактининг функционал ҳолатини баҳолаш ва қон кетишлар профилактикасини амалга оширишга имкон берувчи «Оғир куйишдаги гастродуоденал қон кетишлар профилактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 8н-р/40-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома оғир куйишларда гастродуоденал қон кетишлар олдини олиш усулларини таклиф этиш орқали, асоратлар камайишига имконият яратган;

оғир куйишларда гастродуоденал асоратларни даволаш, профилактикасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд ва Жиззах филиаллари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 8н-р/54-сон хулосаси). Олинган натижалар оғир куйганларда гастродуоденал асоратларни коррекция қилишда муқобил препаратларни қўллаш орқали, улар даволаш ва профилактикасини оптималлаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 7 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Илмий иш ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида амалга оширилган илмий ишнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, илмий ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Оғир куйишларда гастродуоденал асоратларнинг профилактикаси ва даволашдаги замонавий патогенетик ёндошувлар ва муаммолар»** адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, оғир куйишларда гастродуоденал асоратлар келиб чиқиши, даволаш ва профилактикаси ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Термик куйишларда ички аъзолардаги морфологик ўзгаришлар борасидаги муаммолар келтирилган, оғир куйишдаги стрессли гастродуоденал патологияларда *Helicobacter pylori* инфекцияси фаоллиги ва уларнинг қон томирлар эндотелиал дисфункцияси билан боғлиқлик жиҳатлари ўрганилмаганлиги айтиб ўтилган, оғир куйишда гастродуоденал қон кетиши хавф омиллари, уларни олдини олиш ва даволашнинг йўллари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Оғир куйишларда гастродуоденал асоратларни даволаш, профилактикасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари»** беморларни текшириш ва даволаш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларга Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси комбустиология бўлими ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2017-2020 йиллар давомида куйиш касаллиги билан даволанган 1746 нафар бемор, жумладан 114 нафар гастродуоденал асоратли (ГДА) беморлар (6,5%) жалб қилинган.

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ 68 нафар, назорат гуруҳи 46 нафар беморлар. Асосий гуруҳдаги беморларда стрессли гастродуоденал асоратларни профилактика қилиш учун қуйидагилар киритилган: профилактик антисекретор терапия, гастропротекторлар, H₂ гистамин блокаторлари III авлоди ва протон насоси ингибиторлари - пантопрозол. Бунда схема тарзида пантопрозол болус терапия, яъни 80 мг вена ичига бирданига, базис терапия 8 мг/соат вена ичига 72 соат давомида инфузия қилинган. Ушлаб турувчи дозада 40 мг кунига инфузия 7 кун давомида амалга оширилган. 7-кундан беморнинг аҳволига қараб, per os давом эттирилган. Бундан ташқари, H₂ гистамин блокаторларидан квамател 20 мг дан вена ичига 2 маҳал+ амоксиклав 50 мг/кг/сут + тинидазол 50

мг/кг/сут 7 кун давомида парентерал қилинган. Қўшимча мотор–эвакуатор фаолиятни эрта тиклаш учун прокинетик Дофамин D₂-рецептор блокаторлари (домперидон) Мотилиум 10 мг суспензияси назогастрал зонд ёки per os берилган. Эндотелиал дисфункцияни коррекция қилиш ва гастродуоденал асоратлар чуқурлашишининг олдини олиш мақсадида L-аргинин 100 мл вена ичига 7 кун давомида парентерал қилинган. Беморларни хирургик даволашда фаол хирургик ёндошув тадбиқ қилинган. Назорат гуруҳида ананавий даволаш билан H₂ гистамин блокаторлари қўлланилган.

Асосий гуруҳдаги 68 нафар беморлардан 42 нафарини (61,8%) эркаклар ва 26 нафарини (38,2%) аёллар ташкил қилган. Беморларнинг ёши бўйича диапазон 18 ёшдан 70 ёшгачани ташкил қилган. Куйиш майдони бўйича 42,8% тана юзаси, куйишнинг чуқурлиги бўйича 32,2% тана юзасини ташкил қилган. Ушбу гуруҳда жароҳатнинг оғирлик индекси 16 дан 215 (84,1±19,1) бирликка, ҳолатнинг оғирлик индекси эса 0,69±0,29 бирликни ташкил қилган.

Назорат гуруҳида 46 нафар беморда кузатишлар олиб борилган, улардан 28 нафарини (60,9%) эркаклар, 18 нафарини (39,1%) аёллар ташкил қилган. Ушбу гуруҳга киритилган беморларнинг ёши бўйича диапозони 18 ёшдан 80 ёшгачани ташкил қилган. Куйиш майдони бўйича 43,8% тана юзаси, куйишнинг чуқурлиги бўйича 34,6% тана юзасини ташкил қилган. Ушбу гуруҳда жароҳатнинг оғирлик индекси 20 дан 203 (81,6±12,9) бирлик, ўртача оғирлик ҳолати индекси 0,7±0,29 бирликни ташкил қилган.

Эзофагогастродуоденоскопия Olympus Evis Exera CV-150 видеогастроскоп GIF- Q150 видеосистемадан, Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи рентгеноскопияси «DK-MEDICAL-SYSTEMS» 2017 рақамли рентген аппаратида, УТТ «MINDRAY DC3» аппаратида фойдаланиб бажарилган.


Морфологик тадқиқотлар учун 18 нафар зотсиз қуёнлар жалб қилиниб, уларнинг ошқозон, ўн икки бармоқ ичак ва орқа мияси th₅₋₆ ва th₉₋₁₀ нерв тугунлари анатомик ажратилиб, биопсион материал олинган. Ҳар бир материалнинг (орқа мия нерв тугунлари, меъда ва ўн икки бармоқ ичак) бир қисми фиксация қилинмасдан криостатда музлатилиб улардан олинган кесмаларга глиоксил кислотаси эритмаси билан В.Н.Швалев ва Н.И.Жучков услубида ишлов берилган. Шунингдек, гистологик препаратларга Бильшовский–Гросс, Ласки услубларида ишлов берилди ва бир қисми парафинга қуйилиб ундан олинган кесмалар гематоксилин-эозин ва Ниссл услубларида бўялди ва Гримелиус услубида импрегнация қилинган. Орқа мия нерв тугунларидан олинган музлатилган кесмаларга Ласки услубида, парафинли кесмаларига эса Ниссл услубида ишлов берилган. Уларда ДНК ва РНК моддаларини аниқлаш Браше гистокимёвий услуби бўйича ўтказилган.

Глиоксил кислотаси билан ишлов берилган материалдан тайёрланган препаратлардаги люминесценцияланувчи тузилмалар ЛЮМАМ И2 микроскопида ФС-1-4 ва ФС-1-6 филтрлари орқали ўрганилди ва расмга олинди.

Олинган натижаларни статистик таҳлили қилиш учун Microsoft Office Excel 2010 ва IBM SPSS 20.0 фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Тажриба термик куйиш жароҳатида гастродуоденал асоратлар ривожланишининг айрим патогенетик механизмлари (морфологик тадқиқотлар)» термик куйиш жароҳат тажрибаси шароитида гастродуоденал соҳа аъзолари морфологияси, стресс моноаминлари тутувчи тузилмалар ва регионал орқа мия нерв тугунлари морфологиясини ўрганишга бағишланган. Термик куйиш жароҳати тажрибасининг 5-кунда ошқозоннинг қопловчи эпителияси ва безларида дистрофик ўзгаришлар вужудга келган. Бу ўзгаришлар тузилмаларда ортга қайтмайдиган характерга эга бўлган пикноморфик жараёнларга олиб келган. Аниқланган ўзгаришлар аъзолар томирлари, улардаги қон морфофункционал ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, шунингдек артериолалар спазми, эндотелиоцитлар тузилишининг бузилиши ва периваскуляр шиш аниқланган. Томирларда қон камлиги, улардаги эритроцитларда сладж ҳолати қон айланиши бузилишига олиб келганини кўрсатган. Бу бузилишлар периваскуляр бўшлиқда ва қопловчи эпителий остида, перигландуляр бўшлиқда шиш пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Томирларда қон камлиги, улардаги эритроцитлар сладжи қон айланиши бузилишига сабаб бўлиб, қопловчи эпителий остидаги шиш ва периваскуляр шишга олиб келиши аниқланган (1А-расм). Ўн икки бармоқ ичкадаги дистрофик ўзгаришларга ворсинкалар ингичкалашуви ва эпителиоцитлар десквамациясининг кучайишини киритиш мумкин (1Б-расм). Компенсатор-мослашув реакцияси эса крипталарда кам дифференциаллашган эпителиоцитларнинг кучли пролифератив фаоллиги тарзида намоён бўлган.




1-расм. А - қуён ошқозони пилорик қисми шиллик ости пардаси артериясида спазм ва периваскуляр шиш. Б - термик куйиш жароҳатининг 5-кунда қуён ўн икки бармоқ ичагида ингичкалашган ворсинкалар, юзалашган крипталар, шиллик ости пардасидаги безларнинг катта тўдалари. Гематоксилин-эозин услубида бўялган. Об. 4, ок. 10.

Булардан ташқари, дуоденал безлар гиперплазияси ва улар секретор хужайраларининг юксак морфофункционал фаоллиги кузатилган. Умумий камқонлик шароитида микроциркулятор ўзан томирларида шаклли элементлар агрегацияси аниқланган.


Термик куйиш жароҳатининг 10-кунда ошқозон шиллиқ пардасида ва ошқозон безларида кучли ифодаланган дистрофик ўзгаришлар сақланиб қолган. Шиллиқ парда ва унинг қон томирларида маълум даражада деструктив ўзгаришлар кузатилган, яъни ёрқин ифодаланган шишлар, томирлар камқонлиги ва уларда қон стази, шаклли элементлар агрегацияси ва эритроцитларнинг эндотелийга адгезияси кузатилган (2А-расм).

Ўн икки бармоқ ичакда ҳам аввалги муддатларга нисбатан кучли ифодаланган ўзгаришлар аниқланган. Бу ўзгаришлар - ворсинкалар калталашиши ва ингичкалашуви, крипталар кенгайиши атрофик жарёнлар кучайишидан дарак берган. Қопловчи эпителийда диссоциация (тартибсиз жойлашув) кузатилган. Бундан ташқари, унинг яссилашуви, айниқса крипталарда кўзга ташланган. Дуоденал безларда ҳам дистрофик ўзгаришлар кузатилган ва бу улар секретор ҳужайралари ядроси гиперхромлигида айрим ҳолларда кариолизисга учраши тарзида ифодаланган. Ушбу ўзгаришлар шиллиқ парда ва шиллиқ ости қаватида гемодинамиканинг бузилиши туфайли бу қаватлар бириктирувчи тўқимасида катта шишлар пайдо бўлишига олиб келган. Тажрибанинг дастлабки даврида пайдо бўлган томирлар структураси бузилиши нафақат бириктирувчи тўқима шишига, балки шиллиқ парда юза қаватида қон қуюлишига ҳам олиб келган (2Б-расм).



2-расм. А - ошқозон чуқурчалари шаклининг бузилиши, унинг фундал қисмида кучли ифодаланган шиш. Б - 12 бармоқ ичак шиллиқ пардаси хусусий пластинкасига қон қуюлиши. Гематоксилин-эозин усубида бўялган. А - об. 4, ок. 10. Б - об. 40, ок. 10.


Термик куйиш жароҳатининг асосий синдромларидан бири бўлган кучли оғриқ туфайли тери ва ички аъзоларда оғриқни сезувчи нерв охирилари ҳосил қиладиган орқа мия нерв тугунларининг рецептор (сезувчи) нерв ҳужайраларида ретроград ўзгаришлар - ҳужайралар танасида морфологик ва тинкториал ўзгаришлар юзага келиши аниқланган. Бу ўзгаришлар уларнинг баъзиларида тионинни кучли қабул қилиш (гиперхроматоз) шаклида намоён бўлса, айримларида тигроид модданинг эриши (тигролиз) шаклида кўринган, бу ҳужайраларда пиронинофилия кузатилган (3-расм). Бу ўзгаришлар нафақат термик таъсир ҳудудига яқин жойлашган (регионал) нерв тугунларида (th_{9-10}), балки ундан маълум масофада жойлашган нерв тугунларида (th_{5-6}) ҳам заиф даражада кузатилган. Термик куйиш жароҳати таъсирида тугуннинг айрим нерв ҳужайраларида пикноз шаклидаги ўзгаришлар аниқланган.



3-расм. А - сателлитоз (гематоксилин-эозин); Б - перицеллюляр рангсиз ҳалка (Ласки услуби); В - пиронинофилия ва перицеллюляр халқалар (Браше услуби). Об. 20, ок. 7.

Термик куйиш жароҳати тажрибасида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак деворидаги стресс моноаминлари тутувчи ва улар фаолиятини бошқаришда иштирок этувчи тузилмаларда – адренергик (симпатик) нерв тузилмалари ва улар диффуз эндокрин аппаратининг очик типдаги эндокриноцитларида сезиларли даражада ифодаланган морфологик ўзгаришлар чақирган. Қон томирлар атрофида жойлашган (периваскуляр) адренергик нерв толаларида медиаторларнинг (катехоламинларнинг) тақсимоти ўзгариши туфайли бу толалар бўйлаб варикоз (пуфаксимон) кенгаймалар пайдо бўлган ва термик жароҳатдан кейинги кузатиш муддати билан боғлиқ ҳолда, уларнинг миқдори ва ўлчами ўзгарган. Тажрибадан кейинги дастлабки муддатларда (5-куни) адренергик нерв толаларининг товланиши (люминесценцияси) маълум даражада кучайган, кейинги муддатларда эса (10-куни) пасайган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак диффуз (дисперс) эндокрин аппаратининг очик типдаги эндокриноцитларда термик жароҳатнинг дастлабки муддатларида экструзия блоки (секрет ажратишининг тормозланиши) кузатилиши натижасида улар люминесценцияси кучайган, кейинги муддатларда эса улар ялли дегрануляцияси (базал қисмидан секрет ажратиши) кузатилган. Улар цитоплазмасида серотонин миқдори ортган ва шу туфайли улар люминесценциясида сарғишлик кўпайган - одатда сарғиш яшил ва оқ рангда бўлади (4-расм).



4-расм. 12 бармоқ ичак девори таркибидаги цитоплазмасида серотонин миқдори кўпайганлиги туфайли сарғиш товланувчи эндокриноцит ҳамда катехоламинлар тутувчи яшил товланувчи нерв толалари. Глиоксил кислотаси эритмаси билан ишлов бериш услуби (об. 10, гомал 5). Тажрибанинг 5-куни.

Шундай қилиб, бу аъзолар стресс моноаминлари тутувчи тузилмалардаги морфологик ўзгаришлар уларнинг қон билан таъминаниши, секрецияси, мушак пардаси фаолиятида патологик ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бу ўзгаришлар эса мазкур аъзолар деворининг таркибий тузилмаларида дистрофик ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Оғир куйиш жароҳатларида гастродуоденал асоратларни даволаш ва профилактика қилиш»** тўғрисидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Куйиш касаллиги кечишида беморлар аҳволини баҳолашда асосий прогностик мезонлар беморлар ёши, госпитализация вақти, куйиш майдони ва чуқур куйиш ҳажми, оғриқ синдромининг давомийлиги, аҳволининг оғирлик кўрсаткичлари: жигар ва буйрак етишмовчилигининг ривожланиш даражаси, абдоминал компартмент синдром, гиповолемия параметрларидан фойдаланиб ўрганиш яхши самара берган. Ушбу мезонларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юқори ишончилиги ўткир гастродуоденал асоратлар ривожланиши истиқболни белгилаш ва ўз вақтида профилактика қилиш чораларини кўриш имконини яратади.

Токсемия даврининг юқори нуқталарида яллиғланиш медиаторларининг цитотоксик таъсири оқибатида адренал етишмовчилик ривожланиши келиб чиққан. Адренал етишмовчиликни белгиловчи кортизол секрециясининг пасайиши куйиш жароҳати олган беморларда салбий кўрсаткич ҳисобланиб, амалий жиҳатдан истиқболни белгиловчи ахамиятга эга.

Куйиш касаллигида гастродуоденал асоратларни 3 гуруҳга бирлаштириб таҳлил қилиш қулай:


гастродуоденал яллиғланишлар (рефлюкс эзофагит, катарал ва геморрагик гастродуоденит);

эрозив ярали жароҳатлар (диффуз юзаки эрозия, чуқур жойлашган яра ва эрозия+яра биргаликда учраши);

мотор-эвакуатор функция бузилиши (дуодено-гастрал рефлюкс, гастростаз).

Оғир куйишда ўткир гастродуоденал яллиғланишли асоратлар профилактикаси ва давоси ўтказилганда асоратлар ҳажмини 5,9% гача, эрозив ярали жароҳатлар (диффуз юзаки эрозия, чуқур жойлашган яра ва эрозия+яра биргаликда учраши) 11,8% гача ва мотор-эвакуатор функциясининг бузилиши (дуодено-гастрал рефлюкс, гастростаз, эзофаго-гастрал рефлюкс) 33,9% гача, рецидив қон кетишлар 11,2% гача ва умумий ўлим кўрсаткичининг 24,9% гача қисқаришига эришилган.

Оғир куйишда гастродуоденал қон кетишни тўхтатишнинг замонавий эндоскопик усулларидан (аргон плазмаси коагуляцияси) ва замонавий антисекретор препаратлардан фойдаланиш ўткир гастродуоденал қон кетиш билан оғриган беморларни консерватив даволашни муваффақиятли амалга оширишга имкон берган, беморлар аҳволини оғирлашишига олиб келадиган даражадаги рецидив қон кетиш эҳтимолини камайтирган (рецидив қон кетиш частотаси 22,7% дан 11,5% гача камайган) –5-расм.



5-расм. А - ўн икки бармоқ ичакнинг ўткир яраси, геморрагия асорати, F–IV. Б - аргонплазмали коагуляциядан кейинги қон кетишнинг тўхтаган ҳолати.

Гастродуоденал эрозив ва ярали асоратлар ривожланиш хавф даражаси, шу жумладан гастродуоденал қон кетиш билан асоратланишлар хавфи, куйиш жароҳатланиши умумий майдонининг ошиши билан, айниқса 40% ва ундан юқори сатҳдаги куйиш жароҳатларида ортади. Шунинг учун 40% дан ортиқ куйишлар билан шифохонага ётқизилган беморларда эзофагогастродуоденоскопияни ўтказиш керак, бу гастродуоденал асоратларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ва гастродуоденал қон кетишнинг олдини олиш имконини беради.

ГДА га мойиллиги бўлган беморларда ГДА га мойиллиги бўлмаган беморларга нисбатан куйиш жароҳатининг оғирлиги, гастродуоденал шиллик пардада микроциркуляция бузилиши ва эпителийдаги яллиғланишга бўлган мойиллик сабабли куйиш токсемия даврининг дастлабки кунларида *H. pylori* инфицирланиш даражаси ортадан кўрсатган. Бу гастродуоденал соҳада ўткир яллиғланишларни келтириб чиқарган ва қон кетишларга сабаб бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Куйиш жароҳатларида *H. pylori*-CagA - антитана титри кўрсаткичлари


Гуруҳлар	3-кун	7-кун	14-кун
1-гуруҳ	0,374/0,568	0,822/1,080	1,446/1,056
2-гуруҳ	0,691/0,686	0,982/1,564	1,722/2,328
Ўртача	0,530/0,629	0,902/1,322	1,389/1,887
Назорат	0,665		

Эслатма: ОП \geq 0,419 – мусбат (+) ; ОП \leq 0,419 – манфий (-).


Эндотелиал дисфункция ривожланиши кучайиши қон томирларда шикастланишларни келтириб чиқаради, бу эндотелиал дисфункция яққол ривожланганлигини кўрсатган. Бу эса патогенетик жиҳатдан қон томирлар эндотелийсида гипоксик ўзгаришларни келтириб чиқариб, компенсатор вазоактив моддалар ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Қон зардобидида VEGF миқдори ва гастродуоденал қон кетиш оғирлиги ўртасидаги боғлиқликни тўқималар гипоксияси шароитида цитокин ишлаб чиқаришнинг фаоллашиши билан изоҳлаш мумкин, бу микроциркуляция бузилишига, шиллик қаватдаги репаратив жараёнларга салбий таъсир кўрсатиб, ярали жароҳатларнинг эпителизациясини секинлаштирди (6- ва 7-расм). Шу сабабли оғир куйишлар

келиб чиққанда эндотелиал дисфункциясини коррекция қилишда L-аргининни қўллаш қон томирлар интимасидаги эндотелий тикланишини таъминлаб, функционал вазоконстрикциянинг тикланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада артериал қон томирларнинг имкониятларини ошириб, қон айланиш тезлигини кучайтиради. Бу эса тўқималарга ўз вақтида кислород етиб бориши ва микроциркуляция яхшиланишини таъминлайди. Бу жароҳатланган гастродуоденал шиллиқ пардаларнинг репаратив хусусиятини стимуллайди.


Шундай қилиб, оғир куйган беморларда ўткир гастродуоденал яралардан қон кетиш пайтида барқарор гемостаз назорат гуруҳида антисекретор терапия фониди 77,8% ҳолларда фақат H₂ рецептор блокаторлари билан эришилган. Дофамин D₂ рецептор блокатори (домперидон) ва L-аргинин қўшилиши 88,1% ҳолларда барқарор гемостазга эришишга имкон берган. Гастродуоденал ўткир эрозия ва яралар яллиғланишининг чегараларниш босқичга ўтиш муддати асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан 5,1 (56,7%) кунгага, грануляциянинг шаклланиш босқичи 6,3(51,2%) кунгача ва эпителизация босқичи 5(35,7%) кунгача қисқарган.



6-расм. Назорат гуруҳидаги оғир куйишдаги гастродуоденал асоратлар келиб чиқишида VEGF кўрсаткичлари, мЕ/мл (n=46).



7-расм. Асосий гуруҳдаги оғир куйишдаги гастродуоденал асоратлар келиб чиқишида VEGF кўрсаткичлари, мЕ/мл (n=68).



8-расм. Гастродуоденал қон кетишларда даволаш ва профилактика қилиш алгоритми

Тадқиқотдаги қиёсий таҳлилга кўра, куйишнинг ўткир даврида H_2 гистамин блокаторларининг самараси камлиги аниқланган. Шунинг учун H_2 гистамин блокаторлари билан протон насоси ингибиторларини қўллаш ГДА ни профилактика қилишда самарали эканлиги аниқланган. Шунингдек, оғир куйганларда гастродуоденал мотор-эвакуатор фаолиятни тезроқ тиклашда дофамин D_2 рецептор блокаторини (домперидон) қўллаш юқори самари

бўлиб, ножўя таъсири камлиги, ишлатиш учун қулайлиги ва таъсир доираси самарали эканлиги аниқланган.

Гастродуоденал қон кетиш хавф даражасини аниқлаш мақсадида тузилган дастур амалиёт учун қулай бўлиб, фойдаланувчи маълум бир беморнинг гастродуоденал қон кетиш эҳтимоли ва тегишли профилактика чораларини қўллаш зарурлиги тўғрисида истикболни белгилаш шаклида автоматик равишда маълумот олади. Куйган беморларда гастродуоденал эрта қон кетишнинг олдини олишда хирургия талаб-эҳтиёжига мувофиқ келувчи янги алгоритми ишлаб чиқилган (8-расм).

Х УЛОСА

1. Оғир куйишнинг ўткир даврида гастродуоденал асоратлар келиб чиқиши юқори бўлиб, уларнинг нисбий салмоғи 36,5% ни ташкил этади. Шундан анъанавий даволаш натижасида беморларнинг 42,1%ида гастродуоденал қон кетишлар кузатилган. Шунинг учун беморлар стационарга келгандан гастродуоденал асоратларнинг олдини олишга қаратилган профилактик муолажаларни бошлаш имконини берган.

2. Оғир куйишлардаги стрессли гастродуоденал асоратларнинг хавф омиллари (анамнезида сурункали гастродуоденал патология борлиги, мотор-эвакуатор фаолият бузилишлари, беморлар ёши ва мурожаат вақти, куйиш майдони ва чуқурлиги, турғун гиповолемия кабилар) ни, ҳамда, гастродуоденал асоратларни ташхислашда *Helicobacter pylori* CagA га антитана титри фаоллигини, ангиоген омиллар - қондаги эндотелий ўсиш омиллини аниқлаш ва тўғри баҳолаш натижасида, гастродуоденал ўткир эрозия ва яраларнинг чегараланиш босқичига ўтиш муддати 5,1 (56,7%) кунга, грануляциянинг шаклланиш босқичи 6,3 (51,2%) кунга ва эпителизация босқичи 5 (35,7%) кунга қисқаришига олиб келган.

3. Термик куйиш жароҳати тажрибасида регионал орқа мия нерв тугунлари ва гастродуоденал тизим аъзоларида, уларнинг стресс моноаминлари тутувчи тузилмаларида ортга қайтмас даражадаги люминесцент-гистохимик ўзгаришлар пайдо бўлади, бу аъзолар таркибий тузилмаларида дистрофик ўзгаришлар ривожланишига сабаб бўлади ва оғир куйишдаги гастродуоденал асоратларни патогенетик даволаш ва профилактика қилиш доирасини кенгайтиришга имкон беради.

4. Оғир куйиш жароҳати олган беморларда ўткир гастродуоденал асоратларни даволаш стандартига қўшимча муқобил L-аргинин ва дофамин D₂-рецептор блокаторини (домперидон) қўшиб, эндоскопик мезонларга асосланган алгоритми ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали ўткир гастродуоденал яллиғланишли асоратларни 5,9%, эрозив ярали жароҳатларни 11,8% ва мотор-эвакуатор функция бузилишини 33,9%, рецидив қон кетишларни 11,2% ва ўлим кўрсаткичини 24,9% гача қисқаришига эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АХМЕДОВ АДХАМ ИБАДУЛЛАЕВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ
ГАСТРОДУОДЕНАЛЬНЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ У
ТЯЖЕЛОБОЖЖЕННЫХ**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.02 – Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/Tib1598.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.emerg-centre.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители	Фаязов Абдулазиз Джалилович доктор медицинских наук Дехконов Тошпулат Дехконович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты	Расулов Хамидулла Абдуллаевич доктор медицинских наук Акбаров Миршавкат Миралимович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация	Андижанский государственный медицинский институт

Защита состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании научного совета **DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01.** при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, Республика Узбекистан, г. Бухара, улица А. Навоий шох, дом 1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 200100, г. Бухоро, улица А. Навоий шох, дом 1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2022 г.).

А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно в 180000 случаях причинами смерти населения считается ожоговая болезнь. «...Одним из тяжелых осложнений ожоговой болезни являются гастродуоденальные осложнения»¹. Частота их развития составляет 75-90% от общего числа осложнений. В настоящее время среди тяжелых гастродуоденальных осложнений гастродуоденальное кровотечение при ожогах колеблется от 20 до 25%. Развитие кровотечения из стрессовых язв увеличивает смертность до 55-70% в отделениях интенсивной терапии, 2,7-7% в ожоговых отделениях и 4,4-10% среди пациентов, получающих лечение в целом². Часто это происходит из-за того, что из-за скрытого клинического течения гастродуоденальных осложнений при ожогах под воздействием экзогенных и эндогенных факторов не была поставлена своевременная диагностика. Особенно это связано с тем, что не проводится своевременная соответствующая профилактика при наличии факторов риска гастродуоденальных осложнений и интенсивная терапия проводится недостаточно, в то же время существует ряд ошибок в ее коррекции.

В настоящее время в мире изучается морфология систем стрессовых моноаминов, которые участвуют в местной регуляции деятельности органов гастродуоденальной зоны при ожоговом стрессе, т.е., морфология адренергической (симпатической) иннервации кровеносных сосудов, клеток открытого типа диффузной эндокринной системы, которые содержатся в этих органах. Любой стресс неразрывно связан с активацией симпатoadреналовой системы и, как следствие, увеличением выработки адреналина. И это приводит к тому, что в состоянии стресса во внутренних органах происходит нарушение трофики нервов и ангиогенеза, в результате возникают стрессовые расстройства, часто приводящие к гастродуоденальным кровотечениям. Согласно изученной литературе, факторы риска, которые могут вызвать развитие гастродуоденальных осложнений при ожоговых травмах, проблемы их своевременного выявления и профилактики, особенно дисфункции эндотелия сосудов, эффекты и результаты профилактической антисекреторной терапии при гастродуоденальных осложнениях, считаются не до конца решенными вопросами медицины.

На современном этапе развития системы здравоохранения в нашей стране реализуется множество мероприятий, направленных на улучшение результатов и значительного увеличения масштабов медицинской помощи, оказываемой населению, в частности, достигнуты положительные результаты в лечении ожоговой болезни и ее осложнений. В 2022-2026 годах в стратегии развития по семи приоритетным направлениям Республики

¹ Алексеев А.А., Бобровников А.Э., Богданов В.В. Оценка эффективности инновационных технологий лечения пострадавших от ожогов. Медицинский алфавит. 2020;(13):С.44-47 <https://doi.org/10.33667/2078-5631-2020-13-44-47>

² Avendano-Reyes, J.M. Prophylaxis for stress ulcer bleeding in the intensive care unit // Rev. Gastroenterol Mex. - 2014. - Vol.79. - №1. - P.50-55

Узбекистан определены «...задачи развития и совершенствования системы медико-социальной помощи в целях обеспечения полноценной жизни уязвимых категорий населения»³. Реализация этих функций, в том числе улучшение результатов лечения ожоговой болезни и ее осложнений, является одним из актуальных направлений.

Диссертация работа в определенной степени служат выполнению задач, поставленных в УП-4985 Президента Республики Узбекистан от 16 марта 2017 года «О мерах по совершенствованию неотложной медицинской помощи», УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по совершенствованию системы Здравоохранения Республики Узбекистан», ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие темы диссертации приоритетным направлениям научно-исследовательских работ в Республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Наблюдение гастродуоденальных осложнений при ожоговых травмах сложно, так как это может усугубить состояние больных и привести к серьезным последствиям. В связи с этим проводится ряд научных исследований, посвященных факторам, вызывающим возникновение острых стрессовых гастродуоденальных осложнений при ожогах, а именно их профилактике, клиническому течению и диагностике стрессовых осложнений, преимуществам антисекреторной терапии, влиянию интенсивного хирургического лечения на профилактику стрессовых гастродуоденальных осложнений желудка - морфология нервов, эндокринной системы и кровеносных сосудов желудочно-кишечного тракта (Эргашев О.Н. и соавт., 2017).

На фоне интенсивной терапии в критическом случае у пациентов с длительными тяжелыми ожогами в литературе перечислено возникновение эрозивно-язвенных осложнений в желудочно-кишечном тракте и, как следствие, это становилось частой причиной гастродуоденального кровотечения. В настоящее время нет сомнений в том, что дисбаланс между факторами агрессии и защитными факторами слизистой оболочки желудка играет важную роль в патогенезе гастродуоденальных осложнений при тяжелых ожогах. Но какой из двух факторов будет преобладать – усиление факторов агрессии или снижение защитных факторов – до сих пор вызывает активные обсуждения (Cook D., Guyatt G., 2018).

Острые гастродуоденальные осложнения обычно многочисленны, они начинаются со дна желудка, и продолжают развиваться в направлении антрального отдела и двенадцатиперстной кишки. Стрессовые язвы вызывают кровотечение в 20-60% случаев независимо от этиологии. Так,

³Указ Президента Республики Узбекистан УП-№60 "о стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы" от 28-января 2022 года

хотя и доказано четкими данными, что при ожоговой болезни могут развиваться стрессовые осложнения острой гастродуоденальной язвы, но разнообразие взглядов на патогенетические механизмы ее происхождения изучаются по сей день. В том числе, если стрессовые язвы при ожоговой болезни проявляются болью в ранах, то у некоторых пациентов он связан с развитием интоксикации и нервно-психологического состояния (Карабаев Х.К. и соавт., 2017).

